“ТАСДИҚЛАЙМАН “

Наманган вилояти Наманган
тумани мактабгача таълим
бўлими мудири

________ О.Хўжаев

# БУЮРТМАЧИ:

*Наманган туман мактабгача таълим бўлими*

*Наманган вилояти Наманган тумани*

*№8-МТТни жорий таъмирлаш ишлари*

## *Танлов хужжатлари*

*Наманган вилояти Наманган тумани мактабгача таълим бўлими*

## Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
II. Техник қисм
III. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунига асосан руйхатдан ўтказилган тартиби асосида ишлаб чиқилди

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. 1 Наманган вилояти Наманган туманидаги № 8 МТТ ни жорий таъмирлаш ишлари

1.2. Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.3.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 кун.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Наманган вилояти Наманган тумани мактабгача таълими булими

. (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Узбекистон, Наманган вилояти, Наманган тумани Тепа Киёт МФЙ, Бунёдкор кучаси 10 уй

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Наманган вилояти Наманган тумани мактабгача таълими булими биносида "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда махсулотни ишлаб чикарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми;

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок,холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz ) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм. "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми. Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошка боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник таклиф. Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган холда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор кабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмунмохиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон килинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга хакли, Давлат буюртмачисибундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига

тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

**№ 1илова**

**Танловга тақдим этиладиган хужжатлар руйхати**

| |
|---|
| 1.Ушбу танлов хазматлар киска муддатда бажариш буйича кафолат |
| 2.Танлов иштирокчиси тугрисида умумий маълумот. |
| 3.Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувохнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш буйича рухсат берувчи хужжатлар нусхалари. |
| 4.Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот. |
| 5.Мазкур сохада бажарилган ишлар бўйича камида 3 йиллик иш тажрибаси тўгрисида маълумот. |
| 6.Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари тўғрисида маълумот |
| 7. Курилиш ва таъмирдаш майдони билан танишганлиги тугрисидаги маълумот |
| 8. Танлов предмети кийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги |
| 9. Танлов иштирокчисининг йиллик Молиявий натижаси |

Илова №2

**Таклифларни техник ва нархлар буйича бахолаш.**

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан курсатилган муддатда иштирокчилардан электроний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жихатдан бахоланади. Комиссия томонидан электроний шаклда келган таклифлар, техник бахолаш утказилгандан сунг куйидаги критерийларга асосан нархлар буйича бахоланади.

| № | Критерийларноми, мазмуни | Энгюкори балл | % хисобида |
|---|---|---|---|
| 1. | Ушбу танлов хазматлар киска муддатда бажариш буйича кафолат | **20** | 90% |
| 2. | Танлов иштирокчиси тугрисида умумий маълумот | **10** | |
| 3. | Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувохнома, лицензия, хизмат курсатиш учун рухсат этувчи хужжатлар нусхалари | **10** | |
| 4. | Мавжуд техника ва механизмлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситалар мавжудлиги тугрисида маълумот. | **15** | |
| 5. | Охирги 3 йил давомида шу сохада бажарилган ишлар буйича орттирилган иш тажрибаси. | **20** | |
| 6. | Мутахассисларнинг амалий иш тажрибаси ва уртача иш стажи | **15** | |
| 7. | Курилиш ва таъмирлаш майдони билан танишганлиги тугрисидаги маълумот | **10** | |
| 8 | Танлов предмети кийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги | **15** | |
| 9 | Танлов иштирокчисининг йилик Молиявий натижаси | **10** | |
| 10 | Ишларни бажариш буйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан) | | 10 % |

"ТАСДИКЛАЙМАН "

Наманган вилояти Наманган
тумани мактабгача таълим
бўлими мудири
______________ О.Хўжаев

# Техник топшириқ

# БУЮРТМАЧИ

*Наманган вилояти Наманган тумани мактабгача таълим бўлими-2022*

| № | Маълумотлар рўйхати | Асосий маълумотлар ва талаблар |
|---|---|---|
| 1 | Бажариладиган иш | Наманган вилояти Наманган тумани №8 МТТни мукаммал таъмирлаш ишлари Жами бошлангич сумма : 77874000 сўм |
| 2 | Буюртмачи | Наманган вилояти Наманган тумани мактабгача таълими булими |
| 3 | Бажарувчи | Танловдан сўнг аникланади |
| 4 | Объект жойлашган манзил | Наманган вилояти, Наманган тумани Тепа Киёт МФЙ. Бунёткор кучаси 10 уй |
| 5 | Иш бошланиши ва тугалланиши | 2022 йил Сентябрь– 2022 йил Октябрь |
| 6 | Маблағ манзили | Бюджет |
| 7 | Алохида талаблар | Ишлар сифатли ва ўз вактида бажарилиши шарт. Бажарилган ишларни қабул килиш топшириш далолатномасига асосан қабул килиб борилади |
| 8 | Танлов шарти | 1) Иш тажрибаси: Танлов қатнашчиси ушбу топширикдаги хизматга доир иш тажрибага эга бўлиши керак.<br>2) Танлов иштирокчиси курсатилган муддатга ишларни бажаришга кафолат бериши керак. |
| 9 | Тўловлар шарти | Тўловлар пул кўчириш йўли билан ва счёт фактура асосида |